

# ДАВЛАТНИНГ ИҚТИСОДИЁТДА ХУСУСИЙ ТАРМОҚ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ СИЁСАТИ

## *6-маъруза машғулоти*

1

- Тадбиркорлик фаолияти тушунчаси, унинг вазифалари ва ривожланиш шарт-шароитлари.

2

- Тадбиркорлик фаолиятининг шакллари, уларни ташкил этиш ва бошқаришнинг бозор тизимлари

3

- Ўзбекистонда хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий механизми дастаклари.



Бир нарсани очиқ тан олиш керак, пандемия даврида иқтисодиётнинг барқарор ишлаши учун тадбиркорлар давлат билан теппа-тенг ҳисса қўшдилар. Шунинг учун барчамиз тадбиркорларга елкадош бўлиб, уларни доимо қўллаб-куватлашимиз шарт. Бу борада ишбилармонларнинг ҳақ-хуқуқларини, айниқса, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш барча даражадаги давлат органларининг асосий вазифаси бўлиши лозим



Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга  
Мурожаатномаси - Тошкент. // Халқ сўзи,  
2020 йил 29 декабрь.

# 1. Тадбиркорлик фаолияти тушунчаси, унинг вазифалари ва ривожланиш шарт-шароитлар

Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунида таърифланишича

- Тадбиркорлик (тадбиркорлик фаолияти) – юридик ва жисмоний шахслар томонидан мулкий маъсулият остида, мавжуд қонунлар доирасида, даромад (фойда) олиш мақсадида, таҳлика билан амалга ошириладиган иқтисодий фаолиятдир

Ўзбекистон Республикаси қонуни. Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида.

# Тадбиркорларнинг вазифалари:

## Биринчидан

- тадбиркор товар ва хизматлар ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқариш омилларини бирлаштиради ва “катализатор” вазифасини бажаради.

## Иккинчидан

- бизнесни юритиш жараёнида у қарорлар қабул қилишдек қийин бир вазифани зиммасига олади.

## Учинчидан

- тадбиркор – ташкилотчи шахс бўлиб, янги ишлаб чиқариш технологияларини жорий қилиб, янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга интилади.

## Тўртингидан

- тадбиркор бу таҳликага борувчи инсондир. У нафақат ўз мол-мулки, вақти, меҳнати билан, балки ўз шериклари, ҳиссадорлари қўшган маблағлар билан ҳам таҳликага боради.

# Кичик бизнес соҳасининг иқтисодиётдаги вазифалари

1

- иқтисодиётда рақобат мухитини таъминлаш;

2

- йирик корхоналар учун маҳсулот ва хизматлар етказиб бериш;

3

- янги иш ўринларини яратиш ва иккиламчи бандликни таъминлаш;

4

- бозор тизимиининг мослашувчанлигини ошириш;

5

- илмий-техникавий инқилобни жадаллаштириш;

6

- ресурсларни ишлаб чиқаришга сафарбар этиш;

7

- солиқ тушумлари ҳажмининг ўсишини таъминлаш;

8

- аҳоли даромадлари даражасини барқарорлаштириш ва бошқалар.

# Тадбиркорликнинг ривожланиш шарт-шароитлари:

## Биринчидан

- тадбиркор хўжалик юритишнинг бирон турини танлаш, ишлаб чиқариш жараёнини амалга ошириш, уни ўзгаришларга мослаштириш, манбаларни танлаш, ресурс топиш, маҳсулот сотиш, уларга баҳо белгилаш, фойдани тасаррӯф қилиш кабилар бўйича маълум хуқуқ ва эркинликлар мавжуд бўлишини тақозо этади.

## Иккинчидан

- тадбиркор ишлаб чиқариш воситаларига, ишлаб чиқарилган маҳсулот ва олинган даромадга мулкчилик хуқуқига эга бўлиши керак. Тадбиркорлик фаолияти мулкдорнинг ўзи томонидан ҳам, унинг мол-мулки асосида иш юритувчи субъект томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

## Учинчиdan

- хўжалик юритиш йўлини эркин танлаш, даромадни инвестициялаш имконияти ва шу кабиларни реал таъминлайдиган маълум иқтисодий муҳит ва ижтимоий сиёсий шароит яратиши зарур.

## Тўртинчидан

- тадбиркорлик мулкчилик ва ўзлаштириш турли-туман шакллари ва турларининг мавжудлигини тақозо қиласди.

## Бешинчидан

- етарли молиявий манбаларга, яхши маълумот ва малакали тайёргарликка эга бўлиш, умумий тижорат қонунчилиги, солик бўйича имтиёзлар, тадбиркорлик муҳити ва уни ривожлантиришда жамият манфаатдорлигининг мавжуд бўлиши.

## **Президентимиз Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришини устувор йўналиш сифатида белгилашнинг қўйидаги сабабларини кўрсатиб ўтди:**

1

- Кичик бизнес ички бозорни зарур товарлар ва хизматлар билан тўлдиришнинг асосий манбаи бўлиб хизмат қиласди

2

- Кичик бизнес жаҳон ва минтақалар бозорларидағи талаб ва конъюнктура ўзгаришларига анча тез мослашади

3

- Кичик бизнесни ташкил қилиш ва юритиш катта харажат ҳамда капитал қўйилмаларни талаб этмайди

4

- Йирик корхоналарга нисбатан кичик бизнеснинг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таҳдид ва салбий оқибатларига бардош бера олиш қобилияти анча юқори

5

- Кичик тадбиркорлик нафақат даромад манбаи, балки одамларнинг ижодий ва интеллектуал қобилиятини рўёбга чиқариш воситаси ҳамdir

## **2. Тадбиркорлик фаолиятининг шакллари, уларни ташкил этиш ва бошқаришининг бозор тизимлари**

**Давлат**

**Жамоа**

**Шахсий**

**Хусусий**

**Аралаш**

# Давлат корхоналарини учта гурухи:

## 1. Бюджет корхоналари;

- хуқуқий ва хўжалик мустақиллигига эга бўлмаган корхоналар- улар давлатнинг маъмурий-бошқариш тизимиға киради ва вазирлик, маҳкамама ёки маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларига бевосита бўйсунади ёки уларнинг таркибий қисми ҳисобланади.

## 2. Давлат ишлаб чиқариш корхоналари;

- бу корхоналар алоҳидалашган мол-мулкка эга бўлиб, хўжалик фаолияти билан бирга давлат томонидан белгиланган доирада бошқариш ва тартибга солиш вазифаларини ҳам бажаради,

## 3. Аралаш компаниялар;

- ҳиссадорлик жамиятлари ва мажбуриятлари чекланган ширкатлар шаклида ташкил қилиниб, акциялари давлатга ва хусусий омонатчиларга тааллуқли бўлади., улар хусусий фирмаларга нисбатан маълум имтиёзлардан фойдаланади.

## Кооператив тадбиркорлик

- – жамоа тадбиркорлигининг алоҳида шакли бўлиб, жамоа мулкига асосланади ва кооперация аъзоларининг унинг фаолиятида ўз меҳнати билан иштирок этишини тақозо қилади.

## Хусусий тадбиркорлик -

- алоҳида шахс ёки корхона томонидан хусусий ташаббус асосида ташкил қилинади. Мулк ва ишлаб чиқариш натижалари хусусий шахсларга тегишли бўлиб, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ёлланма меҳнатга асосланади.

## Якка тартибдаги тадбиркорлик

- - шахсий мулкка асосланади, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ўзи ёки оила аъзолари меҳнати асосида амалга оширилади, хукуқий шахс ҳисобланмайди, унинг эгаси чекланмаган масъулиятга эга .

**Акциядорлик жамияти – капитали қимматли қоғоз шаклида расмийлаштирилган турли омонатчиларнинг пул маблағларидан таркиб топувчи корхона.**

### **Очиқ турдаги акциядорлик жамияти**

- иштирокчилари ўзларига тегишли акцияларни бошқа акциядорларнинг розилигисиз сотиб олиши ва уларни эркин сотиши ҳуқуқига эга бўлган жамият.

### **Ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти**

- акциялари фақат унинг таъсисчилари ёки олдиндан белгиланган бошқа шахслар доирасида таксимланувчи жамият.

## **1. Тадбиркорлик капитали ва унинг ҳаракати босқичлари.**

Тадбиркор ихтиёрида бўлиб, фойда олиш мақсадида ишлатиладиган барча моддий воситалар, товарлар ва пул маблағлари биргаликда **тадбиркорлик капитали** деб аталади.

**Капитал икки хил хусусиятга эга бўлиб, унинг қиймати – кўпчиликка маълум бўлганидек, ушбу капитални ишлаб чиқаришга сарфланган ижтимоий зарурий меҳнат сарфидан иборатdir.**

**Капиталнинг нафлиилиги эса қўидагилар орқали намоён бўлади.**

1

- кўплаб турдаги ва микдордаги нафлиикларни (товар ва хизматларни) яратишда;

2

- ишчи кучининг иш билан бандлигини таъминлашда;

3

- қисман қийматнинг ташкил топишида, яъни шаклланишида;

4

- энг муҳими, қўшимча маҳсулотни яратишда ва ўзлаштиришда.

Тадбиркорлик капиталининг ўз ҳаракатида уч босқични изчил босиб ўтиб, мунтазам равишда бир шаклдан бошқа бир шаклга айланиб, яна дастлабки шаклига қайтиб келиши унинг доиравий айланиши дейилади.

Капитал доиравий айланиш жараёнида унинг ҳар бир шакли алоҳида вазифани бажаради ва шунга кўра улар **капиталнинг ҳаракати шакллари** дейилади.

## **Капитал пул шаклиниң ҳаракати**

- иқтисодий фаолият учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратишдан иборат. Бунга пулни ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучи сотиб олишга аванслаш орқали эришилади.**

## **Капитал унумли шаклиниң ҳаракати**

- товарлар ишлаб чиқариш ва худди шу жараёнда қийматнинг ўсишига эришишни таъминлаш вазифасига қаратилади.**

**Капитал товар шаклиниң ҳаракати** орқали ишлаб чиқарилган товарлар қийматининг нарх шаклида рўёбга чиқиши содир бўлади ва ўсган қийматнинг пулга айланиши билан тадбиркорнинг фойда олиш мақсади таъминланади.

### 3 Ўзбекистонда хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-куватлашнинг иқтисодий механизми дастаклари



## **2021 йилда мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида амалга ошириш кўзда тутилган муҳим чора-тадбирлар**

- “Солиқчи – кўмакчи” тамойили асосида тадбиркорлар учун уларнинг бизнес ҳамкорининг солик қарздорлиги хақидаги маълумотларни олиш имкониятини яратиш
- 105 та лицензия ва руҳсатнома турларини бекор қилиш, 115 таси бўйича тартиб-қоидаларни соддалаштириш
- Пандемия шароитида айланма маблағ танқислигига дуч келган тадбиркорларга кўмак беришни давом эттириш
- Туризм, транспорт ва умумий овқатланиш соҳаларига берилган имтиёзларни 2021 йил якунигача узайтириш
- 20 мингта тадбиркорнинг 400 миллиард сўмлик ер ва мол-мулк солиғини тўлаш муддатини яна бир йилга узайтириш
- 1 миллиард сўмгача давлат харидлари доирасида аванс миқдори 30 фоизга етказиши
- Оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида келгуси йилда 6 триллион сўм имтиёзли кредитлар ажратиши
- Ҳукумат томонидан Жаҳон банки билан биргаликда бошланган қишлоқларда тадбиркорликни ривожлантириш дастурини кенгайтириш учун қўшимча 100 миллион доллар йўналтириш

**2020 йилнинг январь-июнида кичик тадбиркорликнинг 2019 йилнинг ушбу даврга нисбатан асосий кўрсаткичлари**

<b>Ўлчов бирлиги</b>	<b>2019й</b>	<b>2020й</b>	<b>(+,-)</b>
Фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони бирлик	309 724	370 358	60 634
Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар бирлик	54 007	46 564	-7 443
Кичик тадбиркорликнинг улушлари: ЯИМ %	51,5	51,3	-0,2
Саноат %	32,8	25,3	-7,5
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги %	97,7	97,4	-0,3
Инвестиция %	40,4	52,4	12,0
Курилиш %	76,4	71,0	-5,4
Савдо %	85,8	82,7	-3,1
Хизматлар %	54,6	51,9	-2,7
Юк ташиш %	52,3	50,8	-1,5
Юк айланмаси %	77,8	76,5	1,3
Йўловчи ташиш %	90,9	93,3	2,4
Йўловчи айланмаси %	95,1	95,9	0,8
Экспорт %	27,1	22,3	-4,8


**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни 2005-2020 йилларда  
ривожланишининг асосий кўрсаткичлари**

<b>№</b>	<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Ўлчов бирлиги</b>	<b>2005</b>	<b>2010</b>	<b>2017</b>	<b>2020</b>
1.	ЯИМда кичик бизнеснинг улуши	%	38,2	52,5	53,3	53,9
2.	Шу билан бирга кичик корхоналар ва микрофирмалар	%	21,5	32,7	36,3	36,7
3.	Кичик бизнесда банд бўлганлар сони	Млн киши	6,7	8,6	9,9	10,4
4.	Умумий бандликдаги улуши	%	65,5	74,3	78,3	79,4


**2005-2020 йилларда иқтисодиёт тармоқлари махсулотида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улушининг ўзгариши**

<b>№</b>	<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>2005й</b>	<b>2010й</b>	<b>2017й</b>	<b>2020й</b>
1.	Саноат	9,8	18,8	39,6	27,5
2.	Қишлоқ хўжалиги	85,7	97,8	99,0	97,0
3.	Курилиш	49,4	53,1	65,1	72,4
4.	Чакана савдо	43,7	50,3	88,4	82,4
5.	Пуллик хизматлар	52,5	47,0	50,5	51,5

# Ўзбекистонни 2010-2020 йилларда “Бизнес юритиш” жаҳон рейтингидаги умумий даражаси



## Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар ичида 2020 йилдаги "Бизнес юритиш" рейтинги



# Хулоса ва таклифлар

“

Тадбиркорлик бу ресурларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш билан боғлиқ бўлган, бошқа субъектлар билан қонун хужжатлари доирасида алоқа қиласидиган, маълум даражада таваккалчилик билан боғлиқ ҳолда шахсий ва жамоавий ташаббускорликка асосланган, тўла мулкий жавобгарлик асосида жамият эҳтиёжига мос бўлган товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва сотиш орқали маълум даражада даромад (фойда) олишни таъминлайдиган фаолиятдир”.

- 2.Хусусий тадбиркорликнинг асосий хусусиятларидан бири иқтисодиётнинг ушбу соҳаси доимо давлат томонидан қўллаб-кувватланишга эҳтиёжманд эканлигидир. Давлат моддий-техник, информацион, технологик, консультатив, маркетинг, таълим хизмати, молиявий таъминот ва бошқа йўналишларда тадбиркорликни қўллаб-кувватлайди ва тартибга солади. Давлат томонидан хусусий тадбиркорликнинг ривожланишини тартибга солишда, улар ўртасидаги ҳамкорлиқда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан, масалан интернет тизимидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Интернет давлат тендерларининг очиқлигини ва ресурслар тақсимотининг шаффоғлиги таъминлайди.
- 3. Методологик нуқтаи назаридан тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-кувватлашнинг назарий асосларини тақомиллаштиришда мавжуд институционал механизмнинг бир-бири билан ўзаро боғлиқлиги, улар ўртасида юзага келадиган номутаносибликлар ва узилишларни аниқлашни ўз ичига олувчи селектив ёндашувни қўллаш зарур.
- 4. Тадбиркорлик субъектларининг саноат кооперациясини ривожлантиришда, молиявий қўллаб-кувватлашда селектив ёндашувни жорий этиш орқали иқтисодий механизмни тақомиллаштириб борилиши худудларни индустрисал ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган дастурлар ижроси самарадорлиги ошишига хизмат қиласиди.
- 5. Бугунги кунда мамлакатимизда иш билан банд бўлган жами аҳолининг 80% кўпроғи хусусий тадбиркорлик соҳасида меҳнат қилмоқда. Мавжуд барча хўжалик субъектларининг 90 фоизидан ортиғини кичик бизнес корхоналари ташкил этади. Ҳозирги кунда ялпи ички маҳсулотнинг 53,9% яқини, ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 27,5% ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 97,0% айнан шу соҳа –хусусий тадбиркорлик хиссасига тўғри келмоқда.
- 6. Жаҳонда ва Ўзбекистонда глобал инқироз ва коронавирус пандемияси тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва унинг инвестицион фаоллигини ошириш учун ташқи таҳдид ҳисобланади. Бу даврда қўлланилган карантин чоралари туфайли тадбиркорлик фаолияти сусайди. 2020 йилнинг январь-июнъ ойларида 2019 йилнинг мос даврига нисбатан янги ташкил этилган кичик корхона ва микро фирмалари сони 7443 тага камайди. Кичик тадбиркорликнинг улуши ЯИМда -0,2%га, саноатда -7,5%га, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигига -0,3%га, қурилишда -5,4%га, савдо-3,1%га, экспортда -4,8%га, импортда -12,1%га камайди.

*Эътиборлариниз учун раҳмат!!!*